$$\left(\begin{array}{cccc|c} 1 & 0 & -2 & 5 & 0 \\ 2 & 3 & -1 & 1 & 0 \\ -1 & 4 & 6 & 2 & 0 \\ 3 & 1 & -5 & -4 & 0 \end{array}\right) \sim \left(\begin{array}{cccc|c} 1 & 0 & -2 & 5 & 0 \\ 0 & 3 & 3 & -9 & 0 \\ 0 & 4 & 4 & 7 & 0 \\ 0 & 1 & 1 & -19 & 0 \end{array}\right) \sim \left(\begin{array}{cccc|c} 1 & 0 & -2 & 5 & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 1 & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 1 & 0 \\ 0 & 1 & 1 & -19 & 0 \end{array}\right) \sim$$

$$\sim \left(\begin{array}{cccc|c} 1 & 0 & -2 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 1 & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 0 & 0 \\ 0 & 1 & 1 & 0 & 0 \end{array}\right)$$

Йечилган системадан x_1, x_2, x_4 - йечилган номаълумлар, x_3 еса еркин номаълум еканлиги кўриниб турибди. Демак, берилган векторлар системасининг базиси $\boldsymbol{a}_1$, $\boldsymbol{a}_2$ ва $\boldsymbol{a}_4$ векторлар системаси бўлиб, системанинг ранги базисидаги векторлар сони 3 га тенг.

Агар берилган иккита *н* ўлчовли $\boldsymbol{a}_1$ ва $\boldsymbol{a}_2$ векторларнинг скаляр кўпайтмаси нолга тенг бўлса, $\boldsymbol{a}_1$ ва $\boldsymbol{a}_2$ векторлар ўзаро *ортогонал векторлар* дейилади.

n ўлчовли нолмас векторлардан таркиб топган векторлар системаси берилган бўлиб, система векторларининг ҳар қандай икки жуфти ўзаро ортогонал бўлса, у ҳолда системага *ортогонал векторлар системаси* дейилади.

2. Мисол. Қуйидаги векторлар системаси ортоганалми?

$\boldsymbol{a}_1(0;5;-2)$**,** $\boldsymbol{a}_2(29;-2;-5)$, $\boldsymbol{a}_3(2;4;10)$

Ечиш:

$(\boldsymbol{a}_1 * \boldsymbol{a}_2)$=0-10+10=0

$(\boldsymbol{a}_1 * \boldsymbol{a}_2)$=0+20-20=0

$(\boldsymbol{a}_1 * \boldsymbol{a}_2)$=58-8-50=0

Берилган векторлар системаси ортогонал вектолар системаси екан.

Тенг ўлчовли *н* та $\boldsymbol{a}_1, \boldsymbol{a}_2, \ldots \boldsymbol{a}_н$ чизиқли еркли векторлар системаси устида *ортоганал векторлар системасини* қуриш, яъни мос равишда $\boldsymbol{б}_1, \boldsymbol{б}_2, \ldots \boldsymbol{б}_к$ ортогонал система билан алмаштириш мумкин. Бунинг учун *Шмидт формулалари*дан фойдаланамиз:

$\boldsymbol{б}_1=\boldsymbol{a}_1$

$$\mathrm{b_t} = a_t - \sum_{i=1}^{t-1} \frac{(b_i \cdot a_i)}{(b_i \cdot bi)} b_i \qquad t\epsilon\{2;3;\ldots к\}$$

3. Мисол. $\boldsymbol{a}_1(1;1;1)$**,** $\boldsymbol{a}_2(0;1;1)$**,** $\boldsymbol{a}_3(0;0;1)$ векторлар системаси устида ортогонал система қуринг. ранг $(\boldsymbol{a}_1,\boldsymbol{a}_2,\boldsymbol{a}_3)$=3 чизиқли еркли система екан.

$\boldsymbol{б}_1=\boldsymbol{a}_1(1;1;1)$

$$b_2 = a_2 - \frac{(b_1 \cdot a_3)}{(b_1 \cdot b_1)} b_1 = (0;1;1) - \frac{2}{3}(1;1;1) = \left(-\frac{2}{3};\frac{1}{3};\frac{1}{3}\right)$$

$$b_3 = a_3 - \frac{(b_1 \cdot a_3)}{(b_1 \cdot b_1)} b_1 = \frac{(b_2 \cdot a_3)}{(b_2 \cdot b_2)} b_2 = (0;0;1) - \frac{1}{3}(1;1;1) - \frac{1/3}{2/3}\left(-\frac{2}{3};\frac{1}{3};\frac{1}{3}\right) =$$

$$= \left(0;-\frac{1}{2};\frac{1}{2}\right)$$

Берилган векторлар системаси устида қурилган ортогонал система векторларини бутун координатали векторларга айлантириб, (1;1;1); (-2;1;1); (0;-1;1) натижани оламиз.

Нолмас ***b*** *векторнинг нормалланган* ёки *бирлик вектори* деб, $\frac{b}{|b|}$ векторга айтилади.

Ҳар бир вектори нормалланган, яъни бирлик вектор кўринишига келтирилган ортоганал системага *ортонормалланган векторлар системаси* дейилади.

3. Мисол. Юқоридаги мисолга топилган ортонормал $\boldsymbol{b_1}(1;1;1)$; $\boldsymbol{b_2}(-2;1;1)$; $\boldsymbol{b_3}(0;-1;1)$ системанинг ҳар бир векторини бирлик кўринишга келтирамиз.

$$\frac{b_1}{|b_1|} = \frac{1}{\sqrt{1^2+1^2+1^2}}(1;1;1) = \left(\frac{1}{\sqrt{3}};\frac{1}{\sqrt{3}};\frac{1}{\sqrt{3}}\right)$$

$$\frac{b_2}{|b_2|} = \frac{1}{\sqrt{(-2)^2+1^2+1^2}}(-2;1;1) = \left(-\frac{2}{\sqrt{6}};\frac{1}{\sqrt{6}};\frac{1}{\sqrt{6}}\right)$$

$$\frac{b_3}{|b_3|} = \frac{1}{\sqrt{0^2+(-1)^2+1^2}}(0;-1;1) = \left(0;-\frac{1}{\sqrt{2}};\frac{1}{\sqrt{2}}\right)$$

Мустақил ечиш учун масалалар:

Қуйида берилган векторлар системасининг базисларидан бирини қуринг ва рангларини аниқланг:

1. $\boldsymbol{a_1}=(1;-2;-5)$, $\boldsymbol{a_2}=(3;4;-1)$, $\boldsymbol{a_3}=(2;-3;0)$
2. $\boldsymbol{a_1}=(1;1;-2;-5)$, $\boldsymbol{a_2}=(3;4;-1;2)$, $\boldsymbol{a_3}=(4;1;-2;3)$, $\boldsymbol{a_4}=(5;2;-3;1)$
3. $\boldsymbol{e_1}$; $\boldsymbol{e_2}$; $\boldsymbol{e_3}$ базисда $\boldsymbol{a_1}=(1;1;0)$, $\boldsymbol{a_2}=(1;-1;1)$, $\boldsymbol{a_3}=(-3;5;6)$ векторлар берилган.

$\boldsymbol{a_1}$; $\boldsymbol{a_2}$; $\boldsymbol{a_3}$ векторлар базисни ташкил қилишини кўрсатинг.

4. $\boldsymbol{e_1}$; $\boldsymbol{e_2}$; $\boldsymbol{e_3}$ базисда вектор ***б***=(4;-4;5) берилган. Шу векторни қуйидаги $\boldsymbol{a_1}$; $\boldsymbol{a_2}$; $\boldsymbol{a_3}$ базисда ифодаланг: $\boldsymbol{a_1}=(1;1;0)$, $\boldsymbol{a_2}=(1;-1;1)$, $\boldsymbol{a_3}=(-3;5;6)$

5. e_1; e_2; e_3 базисда берилган a=(1;2;0), $б$=(3;-1;1), c=(0;1;1) векторлар ўзлари базис ташкил қилишини кўрсатинг.

6. e_1; e_2; e_3 базисда қуйидаги $a, б, c$ векторлар берилган: $a=e_1+e_2+e$, $б=2e_2+3e_3$, $c=e_2+5e_3$. $a, б, c$ векторлар базис ташкил қилишини исботланг. Вектор $б=2e_1-e_2+e_3$ ни $a, б, c$ базисдаги координаталарини топинг.

Қуйидаги векторлар системасининг базисларини топинг:

7. a_1=(1;2;0;0); a_2=(1;2;3;4); a_3=(3;6;0;0);

8. a_1=(1;2;3;4); a_2=(2;3;4;5); a_3=(3;4;5;6); a_4=(4;5;6;7);

Берилган векторлар системасининг ранги ва барча базислари топилсин:

9. a_1=(1;2;0;0); a_2=(1;2;3;4); a_3=(3;6;0;0);

10. a_1=(1;2;3;4); a_2=(2;3;4;5); a_3=(3;4;5;6); a_4=(4;5;6;7);

11. a_1=(2;1;-3;1); a_2=(4;2;-6;2); a_3=(6;3;-9;3); a_4=(1;1;1;1);

Векторлар жуфтликларидан ўзаро ортоганалми:

12. a_1(4;-5) ва a_2(1;0);

13. a_1(4;1;2) ва a_2(-1;0;2);

14. a_1(2;0;4;-1) ва a_2(1;2;3;4);

15. a_1(1;3;2;-3) ва a_2(1;1;1;2)?

Қуйида берилган чизиқли еркли векторлар системалари устида ортогонал ва ортонормалланган векторлар системалари қурилсин:

16. a_1(1;0) ва a_2(1;1)

17. a_1(1;1;1;0), a_2(0;1;1;1), a_3(0;0;1;1)

Қуйида берилган векторлар системасининг ранги ва базислари топилсин:

18. a_1=(5;2;-3;1); a_2=(4;1;-2;3); a_3=(1;1;-1;2); a_4=(3;4;-1;2)

19. a_1=(2;-1;3;5); a_2=(4;-3;1;3); a_3=(3;-2;3;4); a_4=(4;-1;15;17); a_5=(7;-6; -7;0)

20. a_1=(2;1;-3;1); a_2=(4;2;-6;2); a_3=(6;3;-9;3); a_4=(1;1;1;1)

21. $\boldsymbol{a}_1$=(1;2;3); $\boldsymbol{a}_2$=(2;3;4); $\boldsymbol{a}_3$=(3;2;3); $\boldsymbol{a}_4$=(4;3;4) $\boldsymbol{a}_5$=(1;1;1)

22. $\boldsymbol{a}_1$=(5;2;-3;1); $\boldsymbol{a}_2$=(4;1;-2;3); $\boldsymbol{a}_3$=(1;1;-1;-2); $\boldsymbol{a}_4$=(3;4;-1;2)

23. $\boldsymbol{a}_1$=(2;-1;3;5); $\boldsymbol{a}_2$=(4;-3;1;3); $\boldsymbol{a}_3$=(3;-2;3;4); $\boldsymbol{a}_4$=(4;-1;15;17); $\boldsymbol{a}_5$=(-7;-6;-7;0)

Қуйида берилган чизиқли еркли векторлар системалари устида ортогонал ва ортонормалланган векторлар системалари қурилсин:

24. $\boldsymbol{a}_1$(1;1), $\boldsymbol{a}_2$(0;2)

25. $\boldsymbol{a}_1$(1;0;1;0), $\boldsymbol{a}_2$(0;1;1;1), $\boldsymbol{a}_3$(1;1;0;1)

26. $\boldsymbol{a}_1$(1;1;1;1), $\boldsymbol{a}_2$(1;1;1;0), $\boldsymbol{a}_3$(1;0;1;1)

Жавоблар:

1. Базиси $\boldsymbol{a}_1$, $\boldsymbol{a}_2$, $\boldsymbol{a}_3$, ранги 3

2. Базиси $\boldsymbol{a}_1$, $\boldsymbol{a}_2$, $\boldsymbol{a}_3$, ранги 3

4. $\boldsymbol{б}=0.5\boldsymbol{a}_1+2\boldsymbol{a}_2-0.5\boldsymbol{a}_3$

6. (2;-2;1)

7. а) $\boldsymbol{a}_1$, $\boldsymbol{a}_2$; б) $\boldsymbol{a}_2$, $\boldsymbol{a}_3$

8. Ихтиёрий иккита вектор базис ташкил етади.

9. $p=2$; $(\boldsymbol{a}_1\ \boldsymbol{a}_2)$, $(\boldsymbol{a}_2\ \boldsymbol{a}_3)$

10. $p=2$; $(\boldsymbol{a}_1\ \boldsymbol{a}_2)$, $(\boldsymbol{a}_1\ \boldsymbol{a}_3)$, $(\boldsymbol{a}_1\ \boldsymbol{a}_4)$

11. $p=2$; $(\boldsymbol{a}_1\ \boldsymbol{a}_4)$, $(\boldsymbol{a}_2\ \boldsymbol{a}_4)$, $(\boldsymbol{a}_3\ \boldsymbol{a}_4)$

12. Ортогонал емас.

13. Ортогонал.

14. Ортогонал емас.

15. Ортогонал.

16. Ортогонал ва ортонормал векторлар: $\boldsymbol{б}_1$(1;0), $\boldsymbol{б}_2$(0;1).

17. $\boldsymbol{б}_1$(1;1;1;0), $\boldsymbol{б}_2$(-2;1;1;3), $\boldsymbol{б}_3$(1;-3;2;1)

$$\frac{b_1}{|b_1|}=\left(\frac{1}{\sqrt{3}};\frac{1}{\sqrt{3}};\frac{1}{\sqrt{3}};0\right),\qquad \frac{b_2}{|b_2|}=\left(-\frac{2}{\sqrt{15}};\frac{1}{\sqrt{15}};\frac{1}{\sqrt{15}};\frac{3}{\sqrt{15}}\right),$$

$$\frac{b_3}{|b_3|}=\left(\frac{1}{\sqrt{15}};-\frac{3}{\sqrt{15}};\frac{2}{\sqrt{15}};\frac{1}{\sqrt{15}}\right)$$

18. $\boldsymbol{a}_2$, $\boldsymbol{a}_3$, $\boldsymbol{a}_4$ - *базис*, $p=3$

19. $\boldsymbol{a}_1$, $\boldsymbol{a}_2$, $\boldsymbol{a}_3$ – *базис*, $p=3$

20. а) $\boldsymbol{a}_1$, $\boldsymbol{a}_4$ б) $\boldsymbol{a}_2$, $\boldsymbol{a}_4$ с) $\boldsymbol{a}_3$, $\boldsymbol{a}_4$

21. $\boldsymbol{a}_1$, $\boldsymbol{a}_2$, $\boldsymbol{a}_5$ ва $\boldsymbol{a}_3$, $\boldsymbol{a}_4$, $\boldsymbol{a}_5$ лардан ташқари ихтиёрий учта вестор базисни ташкил қилади.

22. Иккита базис.

23. $\boldsymbol{a}_1$, $\boldsymbol{a}_2$, $\boldsymbol{a}_3$ базис ташкил қилади.

24. $\boldsymbol{б}_1$=(1;1); $\boldsymbol{б}_2$=(-1;1); $\frac{b_1}{|b_1|}=\left(\frac{1}{\sqrt{2}};\frac{1}{\sqrt{2}}\right)$, $\frac{b_2}{|b_2|}=\left(-\frac{1}{\sqrt{2}};\frac{1}{\sqrt{2}}\right)$

25. $\boldsymbol{б}_1$=(1;0;1;0); $\boldsymbol{б}_2$=(-1;2;1;2); $\boldsymbol{б}_3$=(2;1;-2;1)

$\frac{b_1}{|b_1|}=\left(\frac{1}{\sqrt{2}};0;\frac{1}{\sqrt{2}};0\right)$, $\frac{b_2}{|b_2|}=\left(-\frac{1}{\sqrt{10}};\frac{2}{\sqrt{10}};\frac{1}{\sqrt{10}};\frac{2}{\sqrt{10}}\right)$, $\frac{b_3}{|b_3|}=\left(\frac{2}{\sqrt{10}};\frac{1}{\sqrt{10}};-\frac{2}{\sqrt{10}};1\right)$,

26. $\boldsymbol{б}_1$=(1;1;1;1); $\boldsymbol{б}_2$=(1;1;1;-3); $\boldsymbol{б}_3$=(1;-2;1;0)

$\frac{b_1}{|b_1|}=\left(\frac{1}{2};\frac{1}{2};\frac{1}{2};\frac{1}{2}\right)$, $\frac{b_2}{|b_2|}=\left(\frac{1}{\sqrt{12}};\frac{1}{\sqrt{12}};\frac{1}{\sqrt{12}};-\frac{3}{\sqrt{12}}\right)$, $\frac{b_3}{|b_3|}=\left(\frac{1}{\sqrt{6}};-\frac{2}{\sqrt{6}};\frac{1}{\sqrt{6}};0\right)$,

11. ВЕКТОР КЎРИНИШИДА ЁЗИЛГАН ЧИЗИҚЛИ ТЕНГЛАМАЛАР СИСТЕМАСИНИНГ БИРГАЛИКДАЛИК ВА АНИҚЛИК ШАРТЛАРИ. ФУНДАМЕНТАЛ ЕЧИМЛАР

м та номаълумли *н* та чизиқли *бир жинсли тенгламалар системаси* вектор шаклда берилган бўлсин:

$\boldsymbol{a}_1 x_1+\boldsymbol{a}_2 x_2+\ldots+\boldsymbol{a}_м x_м=\theta$

ранг$(\boldsymbol{a}_1\boldsymbol{a}_2,\ldots,\boldsymbol{a}_м)=$*ранг*$(\boldsymbol{a}_1,\boldsymbol{a}_2,\ldots,\boldsymbol{a}_м,\boldsymbol{б})$ бўлгани учун система ҳар доим *биргаликда*. *Ранг*$(\boldsymbol{a}_1,\boldsymbol{a}_2,\ldots,\boldsymbol{a}_м)=м$ муносабат ўринли бўлса, система *аниқ* ва ягона нол йечимга ега.

Ранг$(\boldsymbol{a}_1,\boldsymbol{a}_2,\ldots,\boldsymbol{a}_м)<м$ муносабат ўринли бўлса, система *аниқмас* **в**а йечимдан ташқари нолмас йечимларга ҳам ега бўлади. Ушбу ҳолда, ҳар бир нолмас йечим *м* ўлчовли вектор сифатида қаралиши мумкин.

Бир жинсли чизиқли тенгламалар системасининг фундаментал йечимлари системаси ёки тизими деб, унинг чизиқли боғлиқ бўлмаган нолмас $\boldsymbol{\Phi}_1$, $\boldsymbol{\Phi}_2,\ldots,\boldsymbol{\Phi}_к$ йечимларига айтиладики**,** системанинг ҳар бир йечими ушбу йечимларнинг чизиқли комбинацияси кўринишида аниқланиши мумкин.

Агар *ранг*$(\boldsymbol{a}_1,\boldsymbol{a}_2,\ldots,\boldsymbol{a}_м)=р<м$ бўлса, система ўзининг фундаментал йечимлари тизими мавжудлиги билан ҳаректерланади ва тизим ҳар бир *м* ўлчовли *м-р* та нолмас векторлардан таркиб топади.

Бир жинсли системанинг фундаментал йечимлари тизими қуйидагича қурилади:

1. Бир жинсли системанинг умумий йечими қурилади;
2. *м-р* ўлчовли *м-р* та векторлардан иборат чизиқли еркли векторлар сиатемаси, масалан: $\boldsymbol{e}_1(1;0;\ldots;0)$, $\boldsymbol{e}_2(0;1;0;\ldots;0),\ldots$, $\boldsymbol{e}_{м\text{-}р}(0;0;\ldots;1)$ танланади;
3. Умумий йечим еркли номаълумлари ўрнига $\boldsymbol{e}_1$ вектор мос координаталарини қўйиб, базис номаълумлар аниқланади ва мос равишда $\boldsymbol{\Phi}_1$ фундаментал йечим қурилади. Шунингдек, $\boldsymbol{e}_2$, $\boldsymbol{e}_3$, …, $\boldsymbol{e}_{м\text{-}р}$ векторлардан

фойдаланиб, мос равишда $\boldsymbol{\Phi}_2$, $\boldsymbol{\Phi}_3$, ..., $\boldsymbol{\Phi}_{м-р}$ фундаментал йечимлар қурилади.

1. Мисол. Бир жинсли системанинг фундаментал йечимлари тизимидан бирини қуринг ва унинг умумий йечимини вектор шаклда аниқланг:

$$\begin{cases} 4x_1 + 7x_2 + 2x_3 + 3x_4 = 0 \\ x_1 + 3x_2 - x_3 + 2x_4 = 0 \\ 2x_1 + x_2 + 4x_3 - x_4 = 0 \end{cases}$$

Системанинг умумий йечимини Гайсс-Жордан усулида қурамиз:

$$\left(\begin{array}{cccc|c} 4 & 7 & 2 & 3 & 0 \\ 1 & 3 & -1 & 2 & 0 \\ 2 & 1 & 4 & -1 & 0 \end{array}\right) \sim \left(\begin{array}{cccc|c} 0 & -5 & 6 & -5 & 0 \\ 1 & 3 & -1 & 2 & 0 \\ 0 & -5 & 6 & -5 & 0 \end{array}\right) \sim \left(\begin{array}{cccc|c} 0 & 1 & -1{,}2 & 1 & 0 \\ 1 & 0 & -4{,}6 & -1 & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 0 & 0 \end{array}\right)$$

$м$=4, $р$=2 бўлгани учун $м$-$р$=2 та чизиқли еркли $\boldsymbol{e}_1(1;0)$ ва $\boldsymbol{e}_2(0;1)$ системани танлаймиз. $\boldsymbol{e}_1(1;0)$ вектор координаталарини умумий йечимнинг мос еркли номалумлари ўрнига қўйиб, базис номалумларни аниқлаймиз ва $\boldsymbol{\Phi}_1(4{,}6;1{,}2;1;0)$ фундаментал ечимни қурамиз. $\boldsymbol{e}_2(0;1)$ вестор ёрдамида $\boldsymbol{\Phi}_2(1;-1;0;1)$ фундаментал йечимни қурамиз. Бошқача қилиб айтганда кенгайтирилган матрицадаги коеффицийентларни системага қўямиз:

$$\begin{cases} x_2 - 1{,}2x_3 + x_4 = 0 \\ x_1 - 4{,}6x_3 - x_4 = 0 \end{cases} \qquad \begin{cases} x_1 = 4{,}6x_3 + x_4 \\ x_2 = 1{,}2x_3 - x_4 \\ x_3 = x_3 \\ x_4 = x_4 \end{cases}$$

Фундаментал йечимлар $\boldsymbol{\Phi}_1(4{,}6;1{,}2;1;0)$ ва $\boldsymbol{\Phi}_2(1;-1;0;1)$ қурилади.

Умумий йечимни тузамиз:

$$\boldsymbol{X} = \lambda_1 \boldsymbol{\Phi}_1 + \lambda_2 \boldsymbol{\Phi}_2 = \lambda_1 \begin{pmatrix} 4{,}6 \\ 1{,}2 \\ 1 \\ 0 \end{pmatrix} + \lambda_2 \begin{pmatrix} 1 \\ -1 \\ 0 \\ 1 \end{pmatrix}$$

Бу йерда λ_1 ва λ_2 лар ихтиёрий ҳақиқий сонлар.

м та номалумли *н* та чизиқли бир жинсли бўлмаган тенгламалар системаси вектор шаклда берилган бўлсин:

$\boldsymbol{a}_1x_1+\boldsymbol{a}_2x_2+\ldots+\boldsymbol{a}_м x_м=\boldsymbol{б}$ $\quad(\boldsymbol{б}\neq 0)$

Системанинг умумий йечимини вектор шаклда ёзиш мумкин:

$\boldsymbol{X}=\boldsymbol{\Phi}_0+\lambda_1\boldsymbol{\Phi}_1+\lambda_2\boldsymbol{\Phi}_2+\ldots+\lambda_{m-r}\boldsymbol{\Phi}_{м\text{-}р}$

Бу йерда $\boldsymbol{\Phi}_0$ - бир жинслимас системанинг хусусий йечимларидан бири, $\boldsymbol{\Phi}_1, \boldsymbol{\Phi}_2, \ldots, \boldsymbol{\Phi}_{м\text{-}р}$ - берилган системага мос равишдаги

$\boldsymbol{a}_1x_1+\boldsymbol{a}_2x_2+\ldots+\boldsymbol{a}_м x_м=\theta$

бир жинсли тенгламалар системасининг фундаментал йечимлари тизими, $\lambda_1, \lambda_2, \ldots, \lambda_{m-r}$ -ихтиёрий ҳақиқий сонлар.

2. Мисол. Берилган система умумий йечимини вектор шаклда қуринг:

$$\begin{cases}4x_1+7x_2+2x_3+3x_4=16\\ x_1+3x_2-x_3+2x_4=3\\ 2x_1+x_2+4x_3-x_4=2\end{cases}$$

$$\begin{pmatrix}4&7&2&3&|&16\\1&3&-1&2&|&3\\2&1&4&-1&|&2\end{pmatrix}\sim\begin{pmatrix}0&-5&6&-5&|&4\\1&3&-1&2&|&3\\0&-5&6&-5&|&4\end{pmatrix}\sim\begin{pmatrix}0&1&-1{,}2&1&|&-0{,}8\\1&0&-4{,}6&-1&|&5{,}4\\0&0&0&0&|&0\end{pmatrix}$$

$\boldsymbol{\Phi}_0(5{,}4; -0{,}8; 0; 0)$ системанинг хусусий йечимларидан бирини қурдик.

Система умумий йечими вектор шаклини ёзамиз:

$$\boldsymbol{X}=\boldsymbol{\Phi}_0+\lambda_1\boldsymbol{\Phi}_1+\lambda_2\boldsymbol{\Phi}_2=\begin{pmatrix}5{,}4\\-0{,}8\\0\\0\end{pmatrix}+\lambda_1\begin{pmatrix}4{,}6\\1{,}2\\1\\0\end{pmatrix}+\lambda_2\begin{pmatrix}1\\-1\\0\\1\end{pmatrix}$$

бу йерда λ_1 ва λ_2 лар ихтиёрий ҳақиқий сонлар.

Мустақил ечиш учун масалалар:

Бир жинсли тенгламалар системасини йечинг:

1. $\begin{cases}x_1+2x_2-x_3-x_4=0\\ -2x_1-4x_2+2x_3-2x_4=0\\ 3x_1+6x_2-3x_3-3x_4=0\end{cases}$ 2. $\begin{cases}x_1-2x_2+x_3=0\\ x_1+2x_2-2x_3=0\\ 3x_1+2x_2-3x_3=0\end{cases}$

3. $\begin{cases} x_1 - 7x_2 + 5x_3 - 3x_4 = 0 \\ 2x_1 - 3x_2 + 7x_3 - x_4 = 0 \\ x_1 - x_2 + x_3 - 2x_4 = 0 \\ 5x_2 + x_3 = 0 \end{cases}$ 4. $\begin{cases} x_1 + 2x_2 + 4x_3 - 3x_4 = 0 \\ 3x_1 + 5x_2 + 6x_3 - 4x_4 = 0 \\ 4x_1 + 5x_2 - 2x_3 - 3x_4 = 0 \\ 3x_1 + 8x_2 - 24x_3 - 19x_4 = 0 \end{cases}$

Бир жинсли бўлмаган чизиқли тенгламалар системаларининг умумий йечимини топинг:

5. $\begin{cases} x_1 - 2x_2 + 3x_3 + x_4 = 1 \\ 2x_1 - 3x_2 - x_3 - x_4 = -4 \end{cases}$ 6. $\begin{cases} 2x_1 - x_2 + x_3 + x_4 = 1 \\ x_2 - x_3 + 2x_4 = 2 \\ 2x_2 - 2x_3 + 3x_4 = 3 \end{cases}$

7. $\begin{cases} x_1 + 2x_2 - x_3 = 5 \\ 2x_1 - x_2 - 3x_3 = 4 \end{cases}$ 8. $\begin{cases} 3x_1 + x_2 - x_3 - 2x_4 = -4 \\ x_1 - x_2 - x_3 + 2x_4 = 1 \end{cases}$

9. $\begin{cases} x_1 + x_2 + x_3 + x_4 = 2 \\ 2x_2 - 2x_3 + 2x_4 = 2 \\ x_1 - x_3 + x_4 = 2 \end{cases}$

Системани йечинг:

10. $\begin{cases} 3x - 2y - z = 0 \\ 2x - y + 3z = 0 \\ -3y - 4z = 0 \end{cases}$ 11. $\begin{cases} 3x + 2y - z = 0 \\ 2x - y + 3z = 0 \\ x + y - z = 0 \end{cases}$

12. $\begin{cases} 3x_1 - 2x_2 + 3x_3 + 3x_4 = 0 \\ 3x_1 - 2x_2 - x_3 + x_4 = 0 \\ x_1 - x_2 + 2x_3 + 5x_4 = 0 \end{cases}$ 13. $\begin{cases} x_1 - 2x_2 + 4x_3 - 3x_4 = 0 \\ 3x_1 + 5x_2 + 6x_3 - 4x_4 = 0 \\ 4x_1 + 5x_2 - 2x_3 + 3x_4 = 0 \\ 3x_1 + 8x_2 + 24x_3 - 19x_4 = 0 \end{cases}$

Системаларни фундаментал йечимларини ва умумий йечимини топинг:

14. $\begin{cases} 3x_1 - x_2 + 2x_3 + 3x_4 = 18 \\ -x_1 - x_2 + 2x_4 = 0 \\ x_1 + x_2 + 3x_3 - 2x_4 = 0 \end{cases}$ 15. $\begin{cases} 3x + 5y + 2z = 0 \\ 5x + 2y + 3z = 0 \end{cases}$

16. $\begin{cases} 2x_1 + x_2 - 4x_3 - x_4 + x_5 = 0 \\ x_1 + 2x_2 + x_3 + 2x_4 + x_5 = 0 \\ 3x_1 - x_2 - 5x_3 + x_4 + 2x_5 = 0 \end{cases}$ 17. $\begin{cases} x_1 - 3x_2 - x_3 + 4x_4 - x_5 = 7 \\ 2x_1 - x_2 - 3x_3 + x_4 + 4x_5 = -3 \\ 3x_1 - 2x_2 - 2x_3 + 5x_4 + 3x_5 = 4 \end{cases}$

18. $\begin{cases} x_1 + 2x_2 + 3x_3 = 2 \\ x_1 - x_2 + x_3 = 0 \\ x_1 + 3x_2 - x_3 = -2 \\ 3x_1 + 4x_2 + 3x_3 = 0 \end{cases}$

Жавоблар:

1. (-2;1;0;0), ёки (1;0;1;0), ёки (1;0;0;1)
2. $(\frac{1}{2};\frac{3}{4};1)$
3. (0;0;0;0)
4. (8;-6;1;0), (-7;5;0;1)
5. $\boldsymbol{\Phi}_0(-11;-6;0;0)$, $\boldsymbol{\Phi}_1(11;7;1;0)$, $\boldsymbol{\Phi}_2(5;3;0;1)$
6. $\boldsymbol{\Phi}_1=(-1;1;1;1)$, $\boldsymbol{\Phi}_0=(0;0;0;1)$
7. $\boldsymbol{\Phi}_0=(\frac{13}{5};\frac{6}{5};0)$, $\boldsymbol{\Phi}_1=(\frac{7}{5};-\frac{1}{5};1)$
8. $\boldsymbol{\Phi}_0=(1;\frac{7}{2};0;0)$, $\boldsymbol{\Phi}_1=(-\frac{5}{2};\frac{9}{2};1;0)$, $\boldsymbol{\Phi}_2=(-\frac{1}{2};-\frac{1}{2};0;1)$

10. $\boldsymbol{\Phi}_0=(0;0;0)$, $\boldsymbol{\Phi}_1=(-\frac{5}{7};\frac{11}{7};1)$
11. (0;0;0)
12. $\boldsymbol{\Phi}_1=(\frac{13}{2};\frac{7}{3};\frac{1}{2};1)$
13. $\boldsymbol{\Phi}_1=(8;-6;1;0)$, $\boldsymbol{\Phi}_2=(13;-5;0;1)$
14. $\boldsymbol{\Phi}_0=(\frac{13}{3};-\frac{13}{3};\frac{1}{3};0)$, $\boldsymbol{\Phi}_1=(\frac{49}{12};-\frac{25}{12};\frac{1}{3};1)$
15. $\boldsymbol{\Phi}_1=(-\frac{1}{2};-\frac{1}{4};1)$
16. $\boldsymbol{\Phi}_1=(0;1;1;0)$, $\boldsymbol{\Phi}_2=(-\frac{3}{5};\frac{1}{5};0;1)$
17. $\boldsymbol{\Phi}_0=(-\frac{2}{7};-\frac{17}{7};0;0;0)$, $\boldsymbol{\Phi}_1=(-\frac{6}{7};-\frac{12}{7};1;0;0)$

    $\boldsymbol{\Phi}_2=(-\frac{9}{7};-\frac{12}{7};0;1;0)$, $\boldsymbol{\Phi}_3=(-\frac{19}{7};-\frac{23}{7};0;0;1)$
18. (-1;0;1) –ягона йечим.

12. ТЕКИСЛИКДАГИ ТЎҒРИ ЧИЗИҚ ТЕНГЛАМАЛАРИ. ТЎҒРИ ЧИЗИҚ НОРМАЛ ТЕНГЛАМАСИ. НУҚТАДАН ЧИЗИҚҚАЧА БЎЛГАН МАСОФА

1^0. *Текисликдаги* $A(x_1;\, y_1)$ ва $B(x_2;\, y_2)$ нуқталар орасидаги масофа:

$$Д=\sqrt{(x_2-x_1)^2+(y_2-y_1)^2} \qquad (1)$$

2^0. Тенгликда *йўналтирилган кесманинг* ёки *боши* $A(x_1;y_1)$ ва *охири* $B(x_2;y_2)$ бўлган $\overline{AB}$ *векторнинг* координата ўқларидаги *пройекциялари:*

$$Пр_х\,\overline{AB}=X=x_2-x_1,\qquad Пр_у\,\overline{AB}=У=y_2-y_1 \qquad (2)$$

3^0. *Кесмани берилган нисбатта бўлиш:* $A(x_1;y_1)$ ва $B(x_2;y_2)$ нуқталар берилган *АБ* кесмани *АН:НБ*$=\lambda$ нисбатда бўлувчи $Н(x;y)$ нуқтанинг координаталари ушбу:

$$x=\frac{x_1+\lambda x_2}{1+\lambda},\qquad y=\frac{y_1+\lambda y_1}{1+\lambda} \qquad (3)$$

формулалар билан аниқланади. Хусусий ҳолда кесмани тенг иккига, яъни $\lambda=1:1=1$ нисбатда бўлганда

$$x=\frac{x_1+x_2}{2},\quad y=\frac{y_1+y_2}{2} \qquad (4)$$

4^0. Учлари $A(x_1;\, y_1)$, $B(x_2;\, y_2)$, $C(x_3;\, y_3)$, ..., $Ф(x_n;\, y_n)$ нуқталарда бўлган *кўпбурчак юзи:*

$$С=\pm\frac{1}{2}\left[\begin{vmatrix} x_1 & y_1 \\ x_2 & y_2 \end{vmatrix}+\begin{vmatrix} x_2 & y_2 \\ x_3 & y_3 \end{vmatrix}+\ldots+\begin{vmatrix} x_n & y_n \\ x_1 & y_1 \end{vmatrix}\right] \qquad (5)$$

га тенг.

5^0. *Тўғри чизиқнинг бурчак коеффициентли тенгламаси:*

$$y=кx+б \qquad (6)$$

к параметр тўғри чизиқнинг *Ох* ўққа оғиш бурчаги α нинг тангенсига тенг бўлиб ($к=тг\alpha$), тўғри чизиқнинг бурчак коэффиценти, баъзан қиялиги дейилади. *б* параметр бошланғич ордината ёки *Ой* ўқ ажратган кесма катталиги .

6^0. *Тўғри чизиқнинг умумий тенгламаси:*

$$Ax+Бx+C=0 \qquad (A^2+Б^2\neq 0) \qquad (7)$$

Хусусий ҳоллар:

а) C=0 бўлса, $й=-\frac{A}{B}x$ тўғри чизиқ координаталар бошидан ўтади;

б) $Б$=0 бўлса, $x=-\frac{C}{A}=a$ тўғри чизиқ 0х ўққа параллел бўлади;

с) A=0 бўлса, $й=-\frac{C}{B}=б$ тўғри чизиқ $0й$ ўққа параллел бўлади;

д) $Б=C$=0 бўлса, Ax=0 ёки x=0 - тўғри чизиқ $0й$ ўқдан иборат;

е) $A=C$=0 бўлса, $Бй$=0 ёки y=0 - тўғри чизиқ $0x$ ўқдан ўтади.

7^0. *Тўғри чизиқнинг ўқлардан ажратган кесмалари бўйича тенламаси*:

$$\frac{x}{a}+\frac{y}{b}=1 \qquad (8)$$

Бу йерда *а* ва *б* - тўғри чизиқнинг ўқлардан кесган кесмаларининг катталиклари.



8^0. *Тўғри чизиқнинг вектор параметрли тенгламаси:*

$$\overline{M_0M}=ц \qquad (9)$$

Бу йерда *М(х;й)* тўғри чизиқнинг ихтиёрий нуқтаси $\overline{M_0M}$ $(x-x_0;\ й-й_0)$ вектор ва **с***(м;н)* йўналтирувчи вектори ўзаро коллинеар, т-ихтиёрий ҳақиқий сон ёки параметр.

9^0. (9) тенгламани координаталарда

$$\begin{cases} x - x_0 = tm \\ y - y_0 = tn \end{cases} \qquad (10)$$

ифодалаб, *тўғри чизиқнинг параметрли тенгламасини* ҳосил қилиш мумкин.

10^0. (10) тенгламаларда *m* параметр йўқотилса, тўғри чизиқнинг каноник тегламаси ҳосил бўлади:

$$\frac{x - x_0}{m} = \frac{y - y_0}{n} \qquad (11)$$

11^0. Агар $|\bar{a}| = П$ $(П \geq 0)$, $\quad \nu = \frac{\bar{a}}{P} = (\cos\alpha,\ \cos\beta)$ $\quad \bar{a}$ нормал радиус векторнинг бирлик вектори бўлиб, тўғри чизиқнинг ихтиёрий *M(x;й)* нуқтасининг мос радиус вектори $\bar{r}$(x;y) бўлса, у ҳолда $\bar{r}$ радиус векторнинг $\bar{a}$ ёки $\bar{\nu}$ векторидаги сонли пройекцияси *П* га тенг:

$$\Pi_{r_\nu}\bar{r} = П, \quad \text{ёки} \quad |\nu|\,\Pi_{r_\nu}\bar{r} = П, \quad \text{ёки} \quad (р\cdot в) = П\ (П \geq 0) \qquad (12)$$

Бу тенглама тўғри чизиқнинг *вектор кўринишдаги тенгламаси* дейилади.

(12) тенглама координаталарда

$$x\cos\alpha + й\cos\beta = П \quad \text{ёки} \quad x\cos\alpha + y\sin\alpha = П\ (П \geq 0) \qquad (13)$$

кўринишни олади. Бунда α - $\bar{a}$ ёки $\bar{\nu}$ векторнинг *Ox* ўқининг мусбат йўналиши билан ҳосил қилган бурчак катталиги. (13) шаклдаги тенглама тўғри чизиқнинг *нормал тенгламаси* дейилади.

12^0. (7) шаклдаги тенгламадан (13) шаклдаги тенгламага ўтиш учун умумий кўринишдаги тенглама нормалловчи кўпайтувчи деб аталадиган $\mu = \pm\frac{1}{\sqrt{A^2 + B^2}}$ сонга кўпайтирилади, бунда “+” ёки “–“ ишорадан *C* озод ҳад ишорасининг қарама–қаршиси танланади, акс ҳолда *П*= - μC ≥ 0 муносабат бажарилмайди.

Масала: *3x+4y-8=0* тенгламани нормал кўринишга келтиринг .

Берилган умумий шаклдаги тенглама учун нормалловчи кўпайтувчи

$$\mu=\pm\frac{1}{\sqrt{3^2+4^2}}=\frac{1}{5}.$$

Тенгламани, $\mu=\frac{1}{5}$ га кўпайтирамиз, натижада тўғри чизиқ тенгламаси қуйидаги кўринишда нормал ҳолга келтирилади:

$$\frac{3}{5}x+\frac{4}{5}y=\frac{8}{5}.$$

13^0. *й=к₁х+б₁* тўғри чизиқдан *й=к₂х+б₂* тўғри чизиққача соат стрелкасига қарши йўналишда ҳисобланувчи φ *бурчак*

$$тг\,\varphi=\frac{k_2-k_1}{1+k_1\,k_2} \qquad (14)$$

формула билан аниқланади.

14^0. $A_1x+Б_1й+C_1=0$ ва $A_2x+Б_2й+C_2=0$ тенгламалар билан берилган тўғри чизиқлар учун (14) формула қуйидаги кўринишга ега бўлади:

$$тг\,\varphi=\frac{A_1B_2-A_2B_1}{A_1A_2+B_1B_2} \qquad (15)$$

ёки $$Cos\varphi=\frac{(n_1\cdot n_2)}{|n_1|\cdot|n_2|}=\frac{A_1\,A_2+B_1B_2}{\sqrt{A^2{}_1+B_1{}^2}\bullet\sqrt{A^2+B^2}} \qquad (16)$$

15^0. Тўғри чизиқнинг *параллеллик* шарти:

$$к_1=к_2 \quad \text{ёки} \quad \frac{A_1}{A_2}=\frac{B_1}{B_2} \qquad (17)$$

16^0. Тўғри чизиқнинг *перпендикулярлик* шарти:

$$к_1\bullet к_2=-1 \quad \text{ёки} \quad A_1A_2+Б_1Б_2=0 \qquad (18)$$

17^0. Берилган $A(x_1;y_1)$ нуқтадан ўтувчи *тўғри чизиқлар дастасининг тенгламаси:* $y-й_1=к(x-x_1)$ (19)

18^0. Берилган икки $A(x_1;y_1)$ ва $B(x_2;y_2)$ *нуқталардан ўтувчи тўғри чизиқ тенгламаси:* $$\frac{y-y_1}{y_2-y_1}=\frac{x-x_1}{x_2-x_1} \qquad (20)$$

19^0. Параллел бўлмаган икки $A_1x+Б_1y+C_1=0$ ва $A_2x+Б_2y+C_2=0$ тўғри чизиқнинг *кесишиш нуқтасини* топиш учун уларнинг тенгламаларини биргаликда ечиш билан

$$x=\frac{\begin{vmatrix} -C_1 & B_1 \\ -C_2 & B_2 \end{vmatrix}}{\begin{vmatrix} A_1 & B_1 \\ A_2 & B_2 \end{vmatrix}}, \quad y=\frac{\begin{vmatrix} A_1 & -C_1 \\ A_2 & -C_2 \end{vmatrix}}{\begin{vmatrix} A_1 & B_1 \\ A_2 & B_2 \end{vmatrix}} \tag{21}$$

ни ҳосил қиламиз.

20^0. $(x_0;y_0)$ *нуқтадан тўғри чизиққача бўлган* $д$ *масофани топиш учун* тўғри чизиқ нормал тенгламасининг чап томонидаги ўзгарувчи координаталар ўрнига $(x_0;y_0)$ координаталарни қўйиб, ҳосил бўлган соннинг абсолют қийматини оламиз, яъни

$$д=\left|x_0\cos\beta+y_0\sin\beta-P\right| \tag{22}$$

ёки $$д=\frac{\left|Ax_0+By_0+C\right|}{\sqrt{A^2+B^2}} \tag{23}$$

21^0. $Ax+Бy+C=0$ ва $A_1x+B_1y+C_1=0$ тўғри чизиқлар орасидаги бурчаклар *биссектриссаларининг* тенгламалари:

$$\frac{Ax+By+C}{\sqrt{A^2+B^2}}=\pm\frac{A_1x+B_1y+C_1}{\sqrt{A_1{}^2+B_1{}^2}} \tag{24}$$

22^0. Берилган икки тўғри чизиқнинг кесишиш нуқтасидан ўтувчи тўғри чизиқлар *дастасининг тенгламаси:*

$$\alpha(Ax+By+C)+\beta(A_1x+B_1y+C_1)=0 \tag{25}$$

$\alpha=1$ деб олиш мумкин, у ҳолда биз (25) дастадан берилган тўғри чизиқлардан иккинчисини йўқатган бўламиз, яъни у вақтда (25) дан иккинчи тўғри чизиқнинг тенгламасини ҳосил қила олмаймиз.

Мустақил ечиш учун масалалар:

1. $\frac{x+2\sqrt{5}}{4}+\frac{y-2\sqrt{5}}{2}=0$ тўғри чизиқ берилган. Тўғ`ри чизиқнинг

а) умумий тенгламаси,

б) бурчак коеффициентли тенгламаси,

с) кесмаларга нисбатан тенгламасини ёзинг.

2. *4x+3y-36=0* тўғри чизиқ, координата ўқлари билан ҳосил қилган учбурчакнинг юзини топинг.

3. Тўғри чизиқ координата ўқларидан тенг кесмалар ажратади. Агар тўғри чизиқ координата ўқлари билан ҳосил қилган учбурчак юзи 8 *кв.бирл.* бўлса, тўғри чизиқ тенгламасини ёзинг.

4. $A(2;5)$ нуқтадан ўтувчи ва ордината ўқида $б=7$ кесма ажратувчи тўғри чизиқ тенгламасини ёзинг.

5. Агар тўғри чизиқ координата ўқларидан тенг кесмалар ажраца ва тўғри чизиқни координата ўқлари орасидаги кесмаси $5\sqrt{2}$ га тенг бўлса, тўғри чизиқ тенгламасини ёзинг.

6. $y=-2$, $y=4$ тўғри чизиқлар *3x-4y-5=0* тўғри чизиқни *А* ва *Б* нуқталарда кесиб ўтади. $\overline{AB}$ векторни узунлиги ва уни координата ўқларидаги пройекцияларини топинг.

7. Тўғи чизиқлар орасидаги бурчакни топинг:

1) $\begin{cases} y=2x-3 \\ y=\frac{1}{2}x+1 \end{cases}$ 2) $\begin{cases} 5x-\ y+7=0 \\ 2x-3y+1=0 \end{cases}$ 3) $\begin{cases} 2x+y=0 \\ y=3x-4 \end{cases}$

8. *3x-2y+7=0,* *6x-4y-9=0,* *6x+4y-5=0,* *2x+3y-6=0* тўғри чизиқлар орасидан параллел ва перпендикуляр тўғри чизиқларни аниқланг.

9. *A(2;3)* нуқтадан ўтувчи тўғри чизиқлар дастасини ёзинг. Бу дастадан *Ox* ўқи билан 1) 45^0, 2) 60^0, 3) 135^0, 4) 0^0 бурчаклар ташкил етувчи тўғри чизиқни топинг.

10. *A(-2;5)* нуқта ва *2x-y=0* тўғри чизиқни ясанг. *А* нуқтадан ўтувчи ва

1) берилган тўғри чизиққа параллел

2) берилган тўғри чизиққа перпендикуляр тўғри чизиқ тенгламасини ёзинг.

11. $2x$-$5y$-10=0 тўғри чизиқни координата ўқлари билан кесишиш нуқталарига перпендикуляр қўйилган. Уларнинг тенгламасини ёзинг.
12. A(-1;3) ва B(4;-2) нуқталардан ўтувчи тўғри чизиқ тенгламасини ёзинг.
13. Учлари A(-2;0), B(4;-2) ва C(4;2) бўлган учбурчакка *БД* баландлик ва *БЕ* медиана ўтказилган. *АС* томон, *БЕ* медиана ва *БД* баландлик тенгламаларини ёзинг.
14. Учбурчак томонлари қуйидаги тенгламалар билан берилган: $x+3y=0$, $x=3$, $x-2y+3=0$. Учбурчакни бурчаклари ва учларини топинг.
15. Квадрат томонларидан бирининг тенгламаси $x+3y-7=0$ ва диогоналлари кесишган нуқта *П*(0;-1) берилган. Квадратнинг қолган учта томон тенгламаларини ёзинг.
16. Ромб томонларидан бирининг тенгламаси $5x+2y-9=0$. Агар ромб диогоналлари $O(0;0)$ да кесишган бўлиб, улардан бирининг тенгламаси $y=2x$ бўлса, помбнинг қолган учта томон тенгламасини ёзинг.
17. Учбурчак томонларининг ўртаси берилган *П*(1;2) - *АБ* томонининг ўртаси, *Р*(-4;3) - *БС* томонининг ўртаси, *Қ*(5;-1) - *АС* томонининг ўртаси, *СФ* баландлик ва *АР* медиана кесишган нуқта топилсин.
18. Ромбнинг икки қарама-қарши учларининг координаталари берилган, A(1;-4) C(-1;3). Ромб диогоналларининг тенгламасини ёзинг.
19. Агар A(-5;5) ва B(3;1) учбурчакнинг учлари, *Д*(2;5) еса баландликлари кесишган нуқта бўлса, учбурчак томонларининг тенгламасини ёзинг.

20. $2x+2y-5=0$ тўғри чизиқ Ox ўқининг мусбат йўналиши билан қандай бурчак ҳосил қилади?

21. Oy ўқидан $б=1$ бирликка тенг кесма ажратувчи Ox ўқининг мусбат йўналиши билан $\alpha=\frac{2\pi}{3}$ бурчак ҳосил қилувчи тўғри чизиқ тенгламасини ёзинг.

22. Координата бошидан ва $A(-2;-3)$ нуқтадан ўтувчи тўғри чизиқ тенгламасини ёзинг.

23. $M(-3;-4)$ нуқтадан ўтувчи координата ўқларига параллел тўғри чизиқлар тенгламасини ёзинг.

24. $O(0;0)$ ва $A(-3;0)$ нуқталар берилган OA кесмада параллелограмм ясалган, унинг диогоналлари $B(0;2)$ нуқтада кесишади. Параллелограмм томонлари ва диогоналлари тенгламасини ёзинг.

25. Томонлари 8 *см* ва 2 *см* бўлган тенг ёнли трапециянинг ўткир бурчаги 45^0. Трапециянинг катта асоси Ox ўқида ёца, Oy ўқи еса трапециянинг симметрия ўқи бўлса, трапециянинг томонлари тенгламасини ёзинг.

26. Агар тўғри чизиқ координата ўқлари билан ҳосил қилган учбурчак юзи 6 *кв.б.* бўлса ва тўғри чизиқ (-4;6) нуқтадан ўца, унинг тенгламасини ёзинг.

27. Тўғри чизиқлар орасидаги бурчакни топинг:

а) $\begin{cases} 3x+2y=0 \\ 6x+4y+9=0 \end{cases}$ б) $\begin{cases} 3x-4y=0 \\ 8x+6y=11 \end{cases}$

28. Учлари $A(-2;0)$, $B(2;4)$ ва $C(4;0)$ бўлган учбурчак берилган. Учбурчак томонлари, AE медианаси, $БД$ баландлик тенгламаларини, AE медиана узунлигини топинг.

29. Томонлари $x+y=4$, $3x-y=0$, $x-3y-8=0$ тенгламалар билан берилган учбурчакни бурчаклари, учлари ва учбурчакни юзини топинг.

30. Координаталар бошидан $2x+y=a$ тўғри чизиқ билан тенг ёнли учбурчак ҳосил қилувчи икки ўзаро перпендикуляр тўғри чизиқ ўтказилган. Шу учбурчакнинг юзини топинг.

Кўрсатма: $2x+y=3$ *билан* $y=kx$ *ва* $y=-\frac{x}{k}$ *тўғри чизиқларнинг кесишган нуқталари* M *ва* H *нинг координаталарини топгандан сўнг* $OM=OH$ *тенгликдан* k *ни топиш керак.*

31. Учбурчак $AБ$ томонининг тенгламаси $x-3y+3=0$ ва AC томонининг тенгламаси $x+3y+3=0$ ҳамда $AД$ баландлигининг асоси $Д(-1;3)$ берилган бўлса, учбурчакнинг икки бурчаклари топилсин.

32. Ромб икки томонининг тенгламалари $x+2y=4$ ва $x+2y=10$ ҳамда диогоналларидан бирининг тенгламаси $y=x+2$ маълум бўлса, ромб учларининг координаталари ҳисоблансин.

Жавоблар:

1. а) $x+2y-2\sqrt{5}=0$ б) $-\frac{1}{2}x+\sqrt{5}$ с) $\frac{x}{2\sqrt{5}}+\frac{y}{\sqrt{5}}=1$

2. 54 *км. бирлик.*

3. $x+y-4=0$

4. $x+y-7=0$

5. $x+y-5=0$ $x+y+5=0$

6. $|AB|=10$ $\Pr_{ox} AB=8$ $\Pr_{oy} AB=6$

7. 1) $арстг\frac{3}{4}$ 2) 45^0 3) 45^0

10. $y=2x+9$ $y=-\frac{1}{2}x+4$

11. $5x+2y+(-4)=0$ $5x+2y=25$

12. $x+y-2=0$

13. AC: $x-3y+2=0;$ $БД$: $3x+y=12;$ $БE$: $x+y-2=0$

14. (3;-1), (3;3), $\left(-\frac{9}{5};\frac{3}{5}\right)$, 45^0, $71^0 31$, $63^0 24$

20. 135^0

21. $\sqrt{3x}+y-1=0$

22. $3x+2y=0$

23. $x+3=0,$ $y+4=0$

24. $y=0,$ $4x-3y=0,$ $4x-3y+12=0,$ $y=4$

25. $x+y-4=0, \quad x-y+4=0, \quad y=3, \quad y=0$

26. $\frac{x}{4}+\frac{y}{3}=1, \quad \frac{x}{-2}+\frac{y}{-6}=1$

27. а) 0^0, б)90^0

28. AE: $2x-5y=-4$, $AД$: $x-2y=-2$ $\left|\overline{AE}\right|=\sqrt{29}$

29. $тгA=\frac{4}{3}$ $тгБ=тгC=2$. $C=16$ *кв.бирлик*

30. $\frac{a^2}{5}$ *кв.бирлик*

31. $A=36^0 52ъ$ $Б=128^0 52ъ$

32. (0; 2), (4; 0) (2; 4), (-2; 6).

13. ИККИНЧИ ТАРТИБЛИ ЕГРИ ЧИЗИҚЛАР

1^0. Маркази координата бошида, радиуси *Р* бўлган *айлана* тенгламаси(1-расм):

$$x^2 + y^2 = R^2 \qquad (1)$$



1- расм.

2^0. Маркази *(а;б)* нуқтада, радиуси *Р* бўлган *айлана* тенгламаси (2-расм):

$$(x-a)^2 + (y-b)^2 = R^2 \qquad (2)$$



2-расм.

3^0. ***Еллипс*** (3-расм):



3-расм.

Фокус деб аталувчи $f_1(-c;0)$ ва $f_2(c;0)$ нуқталардан $|f_1M|+|f_2M|=2a$ масофага тенг ихтиёрий $M(x;y)$ нуқталар тўплами еллипс дейелади. f_1M ва f_2M кесмалар *фокал радиуслар* дейилади, ҳамда

$$|f_1M| = \sqrt{(x+c)^2 + y^2}$$
$$|f_2M| = \sqrt{(x-c)^2 + y^2} \qquad (3)$$

га тенг. Еллипснинг *каноник тенгламаси*:

$$\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} = 1 \qquad (4)$$

бунда $b = \sqrt{a^2 - c^2}$. Еллипснинг *кичик ярим ўқи а*, *катта ярим ўқи б*. *Маркази* еса $O(0;0)$ – координата боши. Еллипснинг *учлари (-а;0), (а;0),* *(0;-б), (0;б)*. Еллипснинг *симметрия маркази O(0;0)*, *симметрия ўқлари Ох, Ой* ўқлар. Еллипснинг *ексцентриситети* $\varepsilon = \frac{a}{c} < 1$ га айтилади.

4^0. ***Гипербола*** (4-расм):



4-расм.

Фокуслар Φ_1(-c;0) ва *Φ_2(c;0)* гача бўлган масофалар айирмаси.

$$\left\| F_1M \right| - \left| F_2M \right\| = 2a$$

га тенг ихтиёрий *M(x;й)* нуқталар тўпламига *гипербола* дейилади.

Каноник тенгламаси:

$$\frac{x^2}{a^2} - \frac{y^2}{b^2} = 1 \qquad (5)$$

бунда $b = \sqrt{c^2 - a^2}$. *Ҳақиқий учлари*: *A_1(-а;0), A_2(а;0); мавҳум учлари:$Б_1$(0;-б), $Б_2$(0;б)*. Гиперболанинг асимтоталари: $y = \frac{b}{a}x$ (I ва III чораклардан ўтади) ва

$y = -\frac{b}{a}x$ (II ва IV чораклардан ўтади).

Ярим ўқлари тенг, яъни $a = b$ гиперболага *тенг томонли гипербола* дейилади (5-расм) ва $x^2 - y^2 = a^2$ кўринишида ифодаланади.

Екстрисентриситети: $\varepsilon = \frac{c}{a} > 1$



5-расм.

5^0. ***Парабола*** (6-расм): *Фокуси* $Ф(\frac{p}{2};0)$ дан ва *директрисаси* $x=-\frac{p}{2}$ тўғри чизиғигача тенг масофада ётувчи ихтиёрий *М(х;й)* нуқталар тўпламига *парабола* дейилади. Параболанинг *каноник тенгламаси:*

$$y^2=2px \qquad (6)$$



6-расм.

Параболанинг учи координата боши *О(0;0). Фокусдан директриса* тўғри чизиғигача бўлган масофа *п* га тенг.

Мустақил ечиш учун масалалар:

1. *А(-4;6)* нуқта берилган. Диаметри *ОА* кесма бўлган айлана тенгламасини тузинг.
2. *А(-6;0)* нуқтадан ўтувчи ва *Оу* ўқига координаталар бошида уринувчи айлана тенгламасини тузинг.
3. $x^2+y^2+4x-6y=0$ айлананинг *Оу* ўқи билан кесишган нуқталарига ўтказилган радиуслари орасидаги бурчак топилсин.
4. *А (-1;3), Б (0;2)* ва *С (1;-1)* нуқталардан ўтувчи айлана тенгламаси ёзилсин. *Кўрсатма*: Изланаётган айлананинг тенгламасини $x^2+y^2+мx+ny+n=0$ кўринишида ёзиб, ундаги *х* ва *й* лар ўрнига берилган ҳар бир нуқтанинг координаталарини қўйгандан сўнг *м, н* ва *п* ларни топиш керак.
5. *А(4;4)* нуқтадан ва $x^2+y^2+4x-4y=0$ айлана билан у=-*х* тўғри чизиқнинг кесишган нуқталаридан ўтувчи айлана тенгламаси ёзилсин.

Еллипс.

6. Катта ўқи 8 ва кичик ўқи 6 бўлган еллипснинг тенгламасини тузинг.

Еллипс тенгламаси $\frac{x^2}{a^2}+\frac{y^2}{b^2}=1$ дан масалани шартига кўра топамиз.

2а=8, 2б=6; яъни *а=4, б=3*. Буларни еллипс тенгламасига қўямиз.

$\frac{x^2}{16}+\frac{y^2}{9}=1$

7. $4x^2+9y^2=36$ еллипс тенгламасидан унинг ўқлари, фокуслари ва ексцентриситетини топинг.

$4x^2+9y^2=36$

Тенгламани иккала томонини 36 га бўламиз. $\frac{x^2}{9}+\frac{y^2}{4}=1$ $a^2=9;$ $a=+3$;

$б^2=4;$ $б=+2;$ $c^2=a^2-б^2$ дан $c^2=9-4=5;$ $c=+\sqrt{5};$ $\varepsilon=\frac{\sqrt{5}}{3}$.

Демак, *2а=6; 2б=4;*

$Ф_1\ (\sqrt{5},0);$ $Ф_2\ (-\sqrt{5},0);$ $\varepsilon=\frac{\sqrt{5}}{3}\prec 1$

8. Катта ярим ўқи *а=5* ва *С* параметри

1) 4.8; 2) 4; 3) 3; 4)1.4; 5) 0

Берилган еллипсни каноник тенгламасини ёзинг. Ҳар бир еллипсни чизинг ва уларнинг ексцентриситетини топинг.

9. Йер фокусларидан бирида Қуёш жойлашган еллипс бўйича ҳаракат қилади. Қуёшдан Йергача бўлган енг кичик масофа тахминан 147.5 *миллион км* га, енг катта масофа 152.5 *миллион км* га тенг бўлса, Йер орбитасининг катта ярим ўқи ва ексцентриситети топилсин.

10. Ексцентриситети $\varepsilon=\frac{3}{4}$ бўлган ва $M=(-4;\sqrt{21})$ нуқтадан ўтувчи еллипс тенгламасини ёзинг ва *М* нуқтанинг фокал радиус-векторларини топинг.

11. Координата ўқларига нисбатан симметрик бўлган еллипс $M\ (2;\sqrt{3})$ ва *Б (0;2)* нуқталаридан ўтади. Унинг тенгламаси ёзилсин ва *М* нуқтадан фокусларигача бўлаган масофа топилсин.

12. $9x^2+ 25y^2=225$ еллипсда шундай $M (x;y)$ нуқта топилсинки, ундан ўнг фокусгача бўлган масофа чап фокусгача бўлган масофадан 4 марта катта бўлсин.
13. Агар еллипснинг фокуслари орасидаги масофа унинг катта ва кичик ярим ўқларининг учлари орасидаги масофага тенг бўлса, унинг ексцентриситети топилсин.

Гипербола.

14. Фокуслари орасидаги масофа $2\sqrt{11}$ бўлиб, ўзи (9;-4) нуқтадан ўтган гипербола тенгламасини тузинг.

Шартга асосан $2c=2\sqrt{11}$, бундан $c=\sqrt{11}$. Гипербола (9;-4) нуқтадан ўтганлиги учун бу нуқта гипербола тенгламасини қаноатлантиради, яъни

$$\frac{9^2}{a^2}-\frac{(-4)^2}{b^2}=1$$

$81b^2-16a^2=a^{2b2}$

$a^2+b^2=c^2=11$ буни еллипс тенгламасига қўямиз.

$81b^2-16(11-б^2)=(11-b^2)b^2$

$b^4-86б^2-176=0$

$b_1^2=2;\ \ b_2^2=-83$

$a^2=11-b^2=9$

Демак, гипербола тенгламаси қуйидагича бўлади: $\frac{x^2}{9}-\frac{y^2}{2}=1$

15. $16x^2-2y^2=400$ гипербола тенгламаси берилган. Унинг ўқлари, фокуслари, ексцентриситетини топинг ва асимптотасинининг тенгламасини тузинг.
16. Гиперболанинг ексцентриситети $\sqrt{2}$ га тенг ва $M (2a;\ a\sqrt{3})$ нуқтадан ўтади. Гиперболани содда тегламасини тузинг.

17. Гиперболани фокуслари $\Phi_1(-\sqrt{7};0)$ ва Φ_2 $(\sqrt{7};0)$ нуқталарда жойлашган. Агар Гипербола $A(2;0)$ нуқтадан ўца, унинг асимптоталари тенгламасини тузинг.

18. $\frac{x^2}{a^2}-\frac{y^2}{b^2}=1$ гиперболанинг фокусидан асимптоталаригача бўлган масофалар ва асимптоталари орасидаги бурчак топилсин.

19. Бирор учидан фокусларигача бўлган масофалари 9 ва 1 га тенг бўлган гиперболанинг каноник тенгламаси ёзилсин.

20. $M\left(6;\frac{3}{2}\sqrt{5}\right)$ нуқтадан ўтувчи, координата ўқларига нисбатан симметрик бўлган гиперболанинг ҳақиқий ярим ўқи $a=4$. Гиперболанинг чап фокусидан асимптоталарига туширилган перпендикулярнинг тенгламалари ёзилсин.

Парабола.

21. Парабола (3;5) нуқтадан ўтади. Унинг каноник тенгламасини ёзинг.

Парабола (3;5) нуқтадан ўтганлиги учун тенгламасини қаноатлантиради.

$y^2=2px$ $\quad x=3 \quad y=5$

$25=2\cdot p\cdot 3 \quad 25=6n \quad p=\frac{25}{6}$

Демак, $y^2=2\cdot\frac{25}{6}x$ $\quad y^2=\frac{25}{3}x$ - параболанинг каноник тенгламаси.

22. 1) (0;0) ва (1;-3) нуқталардан ўтувчи ва Ox ўққа нисбатан симметрик;

2) (0;0) ва (2;-4) нуқталардан ўтувчи ва *Ой* ўққа нисбатан симметрик бўлган парабола тенгламаси ёзилсин.

23. Агар парабола $x=y$ тўғри чизиқ ва $x^2+6x+y^2=0$ айлананинг кесишиш нуқталаридан ўца, унинг тенгламаси ва директрисасини ёзинг.

24. $y^2 = 6x$ параболада фокал радиус вектор 4.5 га тенг бўлган нуқтани топинг.

25. *A(-1;3), B(0;2)* ва *C(1;-1)* нуқталардан ўтувчи айлана тенгламасини ёзинг.

